

Иордания Қуръонни ҳимоя қилиш уюшмаси 6500 та ҳофиз тайёрлади



07:10 / 23.04.2019 2150

Қуръонни ҳимоя қилиш уюшмаси бош директори Ҳусайн Асафнинг уюшма ҳисоботида келтиришича, мазкур уюшма 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, шу кунгача турли ёшдаги, эркак ва аёллардан иборат жами 6500 та ҳофизни Қуръон етишиб чиққанлигини маълум қилган.

Ammonnews.net сайтнинг хабар беришича, уюшманинг мамлакат бўйлаб 1150 та Қуръон марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу уюшма Бутун жаҳон Қуръон уюшмаси, Иордания ноширлар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Уюшма ўз фаолияти давомида Қуръони каримни ўқитиш бўйича 145 та ўқув қўлланма нашр этган. Шунингдек, кўзи ожиз ва эшитиш қобилиятида нуқсонли бўлган мусулмонлар учун Брайл алифбосидаги Қуръони карим ҳамда унинг сурдо тилидаги тафсирларини ҳам чоп қилган.

